

Болаларнинг салб юриши



10:45 / 10.11.2023 1278

XIII асрнинг бошида Европада фақат гуноҳсиз болаларгина Муқаддас Ерни озод этишга қодир, деган ишонч тарқалди. «Ғайридин»лар томонидан муқаддас қабри «ишғол» этилганига куйинувчи дин тарғиботчиларининг оташин нутқлари асосан Шимолий Франция ва Рейнбўйи Германиясидаги деҳқон оиласининг фарзандлари бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида акс-садо берди. Черков маъмурлари мазкур ҳаракатга тўсқинлик қилишмади. 1212 йилда ёш салбчиларнинг икки оқими Ўртаер денгизи қирғоқлари томон йўл олишди. Чўпон бола Этьен бошлиқ француз ўсмирлари отряди Марселгача етиб боришди ва кемаларга ўтиришди. Уларнинг бир қисми кема ҳалокати натижасида ҳалок бўлишди, қолганлари эса Мисрга етиб келгач, кема эгалари томонидан қулликка сотиб юборилди. Шу каби қисмат Генуядан шарққа қараб сузган немис болаларининг ҳам бошига тушди. Германиялик ёш салбчиларнинг яна бир гуруҳи Рим ва Бриндизига етиб боришди, Папа ва маҳаллий епископ уларни қасамдан озод қилишди ва уларни ўз мамлакатига қайтариб юборишди. Болалар салб юриши иштирокчиларининг жуда кам қисмигагина уйга қайтиш насиб этди. Мазкур фожиавий воқеа, эҳтимол, Гаммельн шаҳридан барча болаларни олиб чиқиб кетган каламуш тутувчи сурнайчи ҳақидаги афсонага асос бўлган бўлса керак.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.